



1932 йилда Швейцариялик ёзувчи Элла Майяр (1903-1997) Туркистонга саёхат килади. Бу жасур аёл худди Вамбери каби Ўрта Осиёни хаётини асл киёфасини кўрмокчи бўлади. Элла Туркистондаги большевиклар юритаётган жирканч сиёсатни бор бўйи билан кўради.

Бир куни у Регистон майдонида 40 дан ошик махаллий эркакларни суд килиниш жараёнига гувоҳ бўлади. Бу бечора одамлар босмачиликда айбланаётган эди. Уларни йўлбошчиси Амир исмли киши бўлиб у большевиклар кўлидан бир неча бор кочиб кетган ва уларни зулмига қарши исён қилган экан. Колган айбланувчилар эса большевикларни юритаётган колхозлаштириш ва аёлларни паранжисини ечтириш сиёсатига норозилик билдирган, совет хокимиятини танқид қилган ёки беҳосдан қолганларга қўшилиб қолган одамлар эди. Судья стулга ўтириб олган, ёнидаги столда Ленинни бюсти турарди. Суд жараёни отлик милиция конвойи билан ўраб олинганди. Судья 19 та бахтсизни ўлим жазосига қолганларни эса турли хил муддатларга қамоқ жазосига ҳукм қилади. Эллани эслашича майдондаги одамлар ҳукми эшитиб доду фарёд қиладилар, ҳаммалари судьяни қарғар ва худога нола қилардилар. Хуллас жуда аянчли манзара эди. Элла Майярни хайратлантирган яна бир нарсаси бу суд жараёни эртасигаям, индинигаям ва бошқа кунларда ҳам биронтаям газета ёки журналда ёритилмагани эди. Эллани Европача тушунчалари остин-устун бўлиб кетганди. Тасаввур қилинг Швейцарияда ўн тўққиз фуқарони ўлимга маҳкум қилинсаю, бу ҳақида биронта матбуот органи ёритмаси, бу фантастика эди.

Мана шундай сиёсат таъсирида Ўтра Осиё халқлари ўзлигини йўқотган ва ҳалигача топгани йўқ.



[Манба](#)